

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

САБИРОВА МУХЛИСА КАДАМОВНА

**ЎЗБЕК МЕДИАМАТНЛАРИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК
ТАДҚИҚИ
(ГАЗЕТА МАТНЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in philological sciences**

Сабирова Мухлиса Кадамовна

Ўзбек медиаматнларининг прагмалингвистик тадқиқи (газета матнлари
мисолида)..... 5

Сабирова Мухлиса Кадамовна

Прагмалингвистическое исследование узбекских медиатекстов (на
примере газетных текстов)..... 26

Sabirova Mukhlisa Kadamovna

Pragmalinguistic analysis of Uzbek media texts (using the example of
newspaper texts)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

САБИРОВА МУХЛИСА КАДАМОВНА

**ЎЗБЕК МЕДИАМАТНЛАРИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК
ТАДҚИҚИ
(ГАЗЕТА МАТНЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Fil688 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Собиров Абдулхай Шукурович,
филология фанлари доктори, профессор

Давлатова Раъно Ҳайдаровна,
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871) 233-71-44; факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар
берувчи илмий кенгаш раиси,
ф.ф.д., профессор

Ғ.М.Исмоилов
Илмий даражалар
берувчи илмий кенгаш
котиби, ф.ф.н, катта
илмий ходим

Д.С.Худойберганова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрда медиаматнларни ўрганишга бўлган қизиқиш оммавий ахборот воситаларининг тили ва услубини ўрганувчи янги йўналиш – медиалингвистиканинг шаклланишига туртки берди. «Медиалингвистика бу – медиа соҳасидаги замонавий босма, аудиовизуал ва Интернет тилини ўрганадиган йўналиш»¹ дир. Медиалингвистика оммавий ахборот воситалари, журналистика ва тилшунослик фанлари кесишмасида юзага келган йўналиш бўлиб, медиаматнлар унинг ўрганиш объектидир. Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги техник-технологик асрда медиаматнларнинг турлари, қўлланиш доираси ортиб бормоқда. Жумладан, ахборот технологияларининг ривожланиши онлайн режимга асосланган газета медиаматни соҳасининг юзага келишига замин ҳозирлади. Бу ҳолат медиалингвистиканинг ўрганиш объекти, тадқиқ усуллари тобора кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Медиаматн оммавий коммуникациялар соҳасида нутқий мулоқотни амалга оширишга хизмат қилувчи мураккаб бирлик сифатида тавсифланади. Шу маънода медиаматн гипероним деб қаралса, газета матни, теле- ва радио матни, реклама матни, интернет матнлари гипоним сифатида у билан алоқада бўлади.² Медиаматн тури ҳисобланган газета матнларининг структураси, мавзувий доираси, лингвистик хусусиятлари тилшуносларни доимо қизиқтириб келган ва бу йўналишда қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бугунги кунда газета медиаматнини антропоцентриқ тилшунослик тамойиллари асосида ўрганиш долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида турли тиллардаги газета матнларини прагмалингвистик аспектда тадқиқ этишга қаратилган ишлар мавжуд. Аммо барча тилшуносликларда бу соҳада амалга оширилган ишларни етарли деб бўлмайди. Жумладан, ўзбек тилшунослигида газета матнларининг прагмалингвистик хусусиятларини ўрганишга қаратилган махсус тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Бугунги кунда бу йўналишдаги тадқиқот ишларини кўпайтириш, тадқиқот натижаларини фан ва таълим соҳасига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Зеро, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш»³ да бу йўналишда олиб бориладиган ишлар муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан, айниқса, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини ошириш бўйича қабул қилинган қатор

¹ Тешабаева Д.М. Бакиева Г.Х., Исроил М.И. Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. 3-жилд. – Тошкент, 2019. – Б. 3.

² Современный медиатекст: Учебное пособие / отв. ред. Н.А.Кузьмина. – Омск, 2011. – С. 13.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

фармон ва қарорлар ушбу тилни бугунги куннинг замонавий тадқиқ усуллари асосида ҳар томонлама чуқур илмий ўрганиш заруратини юзага келтирди. Диссертация мавзусининг прагматингвистик аспектга алоқадорлиги унинг бугунги кун талабларига мослигини кўрсатади. Зеро, газета кишиларнинг фикру қарашлари, истак-хоҳишлари, кайфиятларини баён этишнинг самарали воситаси сифатида бугунги интернет асрида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу боис ўзбек газета матнларини нафақат публицистик аспектда, балки контекст, нутқ вазияти, тил эгаларининг воқелик ҳақидаги умумий билимлари, тил бўйича кўникмаси каби ташқи омиллар асосида ўрганувчи прагматингвистик йўналишда ҳам тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги; 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Мавзу республикамизда филология соҳасида олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида медиаматнларни ўрганиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, Теун Ван Дейк, Мартин Монтгомери, Алан Белл, Норман Фейерклаф, Роберт Фаулер инглиз тилидаги медиаматнларни социолингвистик, медиастилистик, лингвокогнитив, прагматингвистик аспектларда тадқиқ этишди.⁴ Бу ишларда медиаматнларнинг тузилиши, қўлланиш доираси, услубий хусусиятлари, кишиларга таъсир кўрсатиш кучи каби масалалар таҳлил қилинган.

⁴ Қаранг: Fowler R. Language in the News: Discourse and Ideology in the Press. – London: Routledge, 1991. – 272 pp.; Bell A. The Language of News Media. – Oxford: Blackwell, 1991. – 296 pp.; Теун ван Дейк. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 2000. – С. 308; Montgomery M. Introduction to Language and Society. – London: Routledge, 2008. – 336 pp.; Fairclough N. Language and Power. – London, 2014. – 274 pp.

Рус тилшунослигида Д.Н.Шмелёв, В.Г.Костомаров, Я.Н.Засурский, Г.Я.Солганик, Н.Н.Кохтев, Т.Г.Добросклонская, Н.В.Чичерина, А.Т.Ленкова, Г.В.Гиссен, Г.О.Винокур, В.В.Богуславская тилшуносликда медиаматнларнинг ўрганилиши, жанр хусусиятлари, лингвостилистик аҳамияти, ижтимоий-маданий хусусиятлари, медиасаводхонликни кўтариш муаммоси юзасидан тадқиқот ишлари олиб боришди.⁵

Ўзбек тилшунослигида ҳам матбуот тили, хусусан, газета матнларининг тил хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек, тил эгаларининг газета матнларини идрок этишининг психолингвистик жиҳатлари ҳам монографик аспектда ўрганилган. Бу соҳада амалга оширилган ишлар ичида А.Бобоева, Ш.Абдураимова, С.А.Мухамедов, А.Абдусаидов, И.Азимоваларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор⁶. Мазкур ишларда газета матнлари услуби, жанр хусусиятлари, айрим лингвистик хусусиятлари, матннинг мазмуний идроки каби масалалар тадқиқ қилинган. Кейинги йилларда медиалингвистиканинг ривожини медиаматнлар тадқиқига янгича ёндашувларни, медиаматнни уни яратган шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо қилмоқда. Бу жиҳатдан тадқиқот мавзусининг газета медиаматнининг коммуникатив-прагматик хусусиятлари муаммосига бағишланганлиги унинг долзарблигини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилди. Тадқиқот ОТ-Ф1-78 рақамли «Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (ўзбек тили вазифавий услублари таҳлили асосида)» мавзусидаги фундаментал лойиҳа асосида яратилди.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги газета медиаматнларининг лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

⁵ Қаранг: Шмелев Д. Н. Русский язык в его функциональных разновидностях. – М., 1977; Костомаров В. Г. Языковой вкус эпохи. – М., 1994; Добросклонская Т. Г. Вопросы изучения медиатекстов. – М., 2005; Солганик Я. К. Определению понятий «текст» и «медиатекст» // Вестник МГУ. Сер. 10. Журналистика. 2005. – № 2. – С. 7-15; Засурский Я. Н. Колонка редактора: медиатекст в контексте конвергенции // Вестник Московского университета. Серия 10. – М., 2005. – № 2. – С. 6; Чичерина Н. В. Медиатекст как средство формирования медиаграмотности у студентов языковых факультетов. – М.: УРСС, 2008. – 232 с; Гиссен Г.В. Медиаадекватное публицирование. Содержание, концепция публикаций и презентаций. – Харьков: Изд-во Гуманитарный Центр, 2012. – 248 с.; Ленкова Т.А. Медиатекст в свете текстообразующих стратегий. – М., 2018. – 136 с.; Богуславская В.В. Моделирование текста: лингвосоциокультурная концепция. Анализ журналистских текстов. – М., 2017. – 280 с.; Винокур Г.О. Культура языка. – М., 2018. – 352 с.

⁶ Қаранг: Мухамедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – С. 25; Бобоева А. Газета публицистикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №2. – Б. 45-51; Абдураимова Ш. К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирилган матбуот тилида ўзгара бориши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Фил. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. Азимова И. А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2008.

тилшуносликда медиалингвистика йўналишининг шаклланиши тарихи, тадқиқ объекти, долзарб муаммоларини ёритиш;

медиаматнларни прагмалингвистик аспектда ўрганишнинг илмий-назарий аҳамиятини очиб бериш;

ўзбек тилидаги газета медиаматнларида нутқий акт турларининг ифодаланиши масаласини ёритиш, нутқий актларнинг бевосита ва билвосита ифодаланиш усулларини таҳлил қилиш;

ўзбек тилидаги газета медиаматнларида перформативликнинг намоён бўлиши масаласига аниқлик киритиш;

газета медиаматнларида коммуникатив стратегия ва тактиканинг танланиш хусусиятларини аниқлаш;

ўзбек тилидаги газета медиаматнларида ахборотнинг ошкора ва яширин ифодаланиши усулларини ўрганиш;

газета медиаматнларида коннотация ва субъектив баҳонинг ифодаланишини тадқиқ этиш;

газета медиаматнлари сарлавҳасининг прагматик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида юртимизда нашр этиладиган «Янги Ўзбекистон», «Халқ сўзи», «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Хуррият», «Адолат кўзгуси», «Миллий тикланиш», «Куч – адолатда», «XXI аср», «Адолат», «Ишонч» газеталаридаги (2018, 2019, 2020, 2021 йй.) медиаматнлар танланган.

Тадқиқот предметини ўзбек тилидаги газета медиаматнларининг коммуникатив-информацион, прагмалингвистик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, прагматик ва контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

газета медиаматнлари орқали бир вақтда ахборот узатиш ҳамда адресатга нутқий таъсир кўрсатиш каби информацион-функционал, коммуникатив-прагматик вазифаларнинг бажарилиши асосланган;

газета медиаматнларида қўлланган нутқий акт турлари таснифланган, уларнинг ифодаланиш усуллари аниқланган; бевосита ва билвосита нутқий акт турлари фарқланиб, лингвопрагматик хусусиятлари ёритилган;

газета медиаматнларида иллокутив мақсаднинг юзага чиқиши, перформативликнинг намоён бўлиши ҳамда нутқий таъсир кўрсатиш вазифасининг бажарилиши очиб берилган;

ўзбек тилидаги газета медиаматнларида ахборот узатувчининг мақсади билан боғлиқ ҳолда коммуникатив стратегия ва тактиканинг танланиш хусусиятлари белгиланган;

газета медиаматнларида ахборотнинг ошкора ва яширин ифодаланиши усуллари аниқланган ҳамда импликацияни ҳосил қилувчи бирликларнинг прагматик хусусиятлари ёритилган;

газета медиаматнларида коннотация ва субъектив баҳони ифодаловчи тил воситалари ажратилиб, прагматик хусусиятлари аниқланган, ижобий ва салбий муносабатнинг ифодаланишида муаллиф позициясига тавсиф берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

медиаматнларнинг яратилишида вербал ва медиавий белгиларнинг уйғун бўлиши газета медиаматнлари мисолида амалий жиҳатдан асосланган;

таҳлилий материаллар асосида газета медиаматнларида ахборот узатувчининг коммуникатив мақсадини тўғри англашда тил бирликларининг нутқий-прагматик имкониятларини мукамал билиш муҳим аҳамиятга эгаллиги асослаб берилган;

газета медиаматнларининг прагматик хусусиятларига доир хулосалар медиалингвистика, прагмалингвистика, матн тилшунослиги, услубшунослик фанларини муҳим илмий-назарий маълумотлар билан бойитиши, ушбу фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-услубий мажмуаларни яратишда амалий манба бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек тилидаги газета медиаматнларининг тилшуносликнинг замонавий йўналиши асосида тадқиқ этилганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг замонавий лингвистик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, газета медиаматнлари лингвопрагматик таҳлиliga ўзбек тилининг хусусий табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари газета медиаматнининг прагмалингвистик хусусиятларига доир мавжуд илмий-назарий қарашларни янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унинг ўзбек тилшунослигида янги йўналиш бўлган медиалингвистиканинг тўлақонли шаклланиши ва тараққиётига хизмат қилиши, олий таълимнинг филология, журналистика йўналишларида «Медиалингвистика», «Матн тилшунослиги», «Прагмалингвистика», «Оммавий ахборот воситалари тили ва услуби» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда манба бўла олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда эришилган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

газета медиаматнларида нутқий бирликларнинг прагматик тавсифига оид материаллар таҳлилида Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ–Ф1–78 рақамли «Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (ўзбек тили вазифавий услублари таҳлили асосида)» мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган.

(Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 5 июльдаги 3/1255-1964-сон маълумотномаси) Лойиҳа ишида ўзбек тили публицистик услуги хусусиятларини ёритишда газета матнларида нутқий акт, коммуникатив стратегия ва тактиканинг қўлланиши каби прагматик ходисалар таҳлиliga доир илмий-назарий хулосалардан фойдаланилган. Натижада лойиҳада публицистик услуб хусусиятларига доир назарий қарашлар янада бойитилиб, газета материалларидан олинган иллюстратив мисоллар билан кенгайтирилган;

газета матнларида қўлланган ономастик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятларига доир назарий қарашлардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2015-2016 йилларда бажарилган ФА-ИЗ-Г009 рақамли «Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 5 июльдаги 3/1255-1964-сон маълумотномаси) Натижада китобнинг ономастик бирликлар тадқиқига доир назарий қисми прагматингвистик тавсифлар билан бойитилган.

тил тараққиётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни масаласига оид хулосалар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маҳалла» телеканалида «Минбар», «Зиё дарғалари» номли кўрсатувларнинг концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маҳалла» телеканали», 2021 йил 31 майдаги 03-15-373-сон маълумотномаси). Натижада илмий тадқиқот ишида келтирилган натижаларга таянилган ҳолда ушбу телекўрсатув материаллари мазмунан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (5 та республика ҳамда 2 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган. **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 141 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги

кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Газета матни медиалингвистиканинг тадқиқ объекти сифатида» деб номланган биринчи бобида медиалингвистика ва унинг асосий тадқиқ объекти ҳисобланган медиаматн масалаларига доир дунё тилшунослигида мавжуд бўлган янги илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган ва зарур ўринларда уларга муносабат билдирилган. Медиалингвистиканинг юзага келиш сабаблари ўрганилиб, янги соҳани тадқиқ этиш зарурати илмий жиҳатдан асосланган. Ушбу бобнинг биринчи фасли «Медиалингвистиканинг тадқиқ объекти: медиаматн ва унинг хусусиятлари» деб номланган бўлиб, бунда соҳа мутахассисларининг медиаматн ҳақидаги фикрлари, қарашлари баён қилинган ҳамда бошқа матн турларидан фарқли белгилари ёритилган.

Кейинги йилларда анъанавий оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио, телевидениеда ахборот узатиш кўлами ва ҳажмининг ортиши ахборот технологияларининг мунтазам такомиллашуви билан бирга юз бермоқда. Бутунжаҳон компьютер тармоғи – Интернетнинг ривожланиши эса глобал ахборот маконини шакллантирди. Буларнинг барчаси, яъни оммавий ахборот воситалари тизимидаги ўзаришлар, янгилашлар ушбу соҳага *медиаматн* терминининг кириб келишига туртки берди. Бугунги кунда медиа каналлари орқали тарқатилаётган медиаматнлар турларининг кўпайгани уларни илмий асосда ўрганиш заруратини юзага келтирди.

Маълумки, XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тилшуносликда оммавий ахборот воситалари матнини лингвистик аспектда тадқиқ этишга бағишланган ишлар эълон қилиб борилди.⁷ Бу ишларда оммавий ахборот воситалари матнлари турли йўналишларда: социалингвистик, функционал стилистик, дискурсив, когнитив, лингвокультурологик аспектларда таҳлил қилинди. Олимлар эътибори оммавий ахборот воситалари матнининг тил хусусиятларини ўрганиш, турли типдаги медиаматнларни тавсифлаш, ижтимоий-маданий омилларнинг медианутққа таъсирини ўрганиш, нутқий таъсир кўрсатишнинг лингво-медиавий хусусиятларини ўрганиш масаласига қаратилди. Ушбу тадқиқотлар самараси ўлароқ XX аср охирига келиб

⁷ Қаранг: Шмелев Д.Н. Русский язык в его функциональных разновидностях. – М., 1977. – 78с.; Бернштейн С.И. Язык радио.– М.: Наука, 1977. – 47 с.; Васильева А.Н. Газетно-публицистический стиль речи. – М., 1982. – С. 198; Fowler R. Language in the News: Discourse and Ideology in the Press. – London, 1991. – 272 pp.; Bell A. The Language of News Media. – Oxford, 1991. – 296 pp.; Костомаров В.Г. Языковой вкус эпохи. – М., 1994. – 330 с.; Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиатекстов. – М., 2005; Солганик Я.К. Определению понятий «текст» и «медиатекст» // Вестник МГУ. Сер. 10. Журналистика. 2005. – № 2. – С. 7-15; Засурский Я.Н. Колонка редактора: медиатекст в контексте конвергенции // Вестник Московского университета. Серия 10: Журналистика. – 2005. – № 2. – С. 6.; Теун ван Дейк. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 2000. – 308 с.; Montgomery M. Introduction to Language and Society. – London: Routledge, 2008. – 336 pp.; Fairclough N. Language and Power. – London, 2014. – 274 pp.

оммавий ахборот воситалари матнларини ўрганувчи мустақил илмий йўналиш, яъни *медиалингвистика* юзага келди.

Рус олимаси Т.Г.Добросклонская биринчи марта бу соҳадаги тадқиқотларни «медиалингвистика» фани доирасида бирлаштириш таклифини илгари сурди. Бунда медиалингвистиканинг оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишга тизимли илмий ёндашувни таъминлаб бериши, шунингдек, унинг асосий тадқиқ объекти ҳисобланган медиаматнларни ўрганиши лозимлиги кўрсатилди.⁸

Медиалингвистика атамаси рус тилшунослигида 2000 йилдан бошлаб ишлатила бошланди. Т.Г.Добросклонскаянинг маълумот беришича, ўзида икки базавий компонент – «медиа» (массмедиа) ва «лингвистика»ни бирлаштирган мазкур янги соҳанинг предмети тилнинг оммавий ахборот воситалари соҳасидаги вазифасини ўрганиш ҳисобланади.⁹ Илмий адабиётларда «медиа» термин элементининг латин тилидан, яъни «medium» сўзидан олингани ва «коммуникатив воситалар, ахборот узатишнинг усуллари ва медиамаконни бирлаштирувчи кенг тушунча»¹⁰ сифатида талқин қилиниши кузатилади. «Медиа» термин элемент сифатида медиаматн, медиамакон, медиатаълим, медалилингвистика, медианутқ, медиапрагматика, медиастилистика, медиамаҳсулот, медиасаводхонлик, медиатаълим, медиатур, медиатузилма каби сўзларнинг бирикувини ҳосил қилади.

«Медалилингвистика бу – медиа соҳасидаги замонавий босма, аудиовизуал ва Интернет тилини ўрганадиган йўналиш»¹¹ ҳисобланади. Медалилингвистика тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида оммавий ахборот воситалари, журналистика ва тилшунослик фанлари кесишмасида юзага келган. Айтиш жоизки, медалилингвистика нафақат медиаматннинг тил хусусиятларини ўрганади, балки оммавий ахборот воситалари ходимлари нутқий хулқ-атвори, нутқий этикет билан боғлиқ муаммоларни ҳам қамраб олади.

Тилшуносликда *медиаматн* тушунчасига турлича тавсиф берилиши кузатилади. Г.С.Мельникнинг фикрича, «медиаматн тушунчаси остида оммавий аудиторияга мўлжалланган исталган шаклдаги ва жанрдаги, яъни у хоҳ газета мақоласи бўлсин ёки теледастур, видеоклип, реклама хабари ё бўлмаса фильм кўринишидаги медиамаҳсулот тушунилиши»ни таъкидлайди.¹² Англашиладики, ушбу изоҳда медиаматн медиамаҳсулот сифатида тавсифланган. Ушбу таърифда медиаматнни ташкил этувчи тилнинг вербал бирлиги – матн билан бир қаторда новербал, визуал – медиавий белгиларнинг иштироки масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

⁸Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиатекстов. – М., 2005.

⁹Добросклонская Т.Г. Кўрсатилган манба. – Б. 34.

¹⁰<https://ru.wikipedia.org/wiki/Медиа>

¹¹ Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исроил М.И. Журналистика. Медалилингвистика ва таҳрир. 3-жилд. – Тошкент, 2019. – Б. 3.

¹² Мельник Г.С. Медиатекст как объект лингвистических исследований // Актуальные проблемы современности и журналистика. – Санкт-Петербург, 2012. – С. 27-29. <https://cyberleninka.ru/article/n/mediatekst-kak-obekt-lingvisticheskikh-issledovaniy/viewer>

Айтиш жоизки, медиаматнда медиавий белгилар вазифасини ўтовчи расм, карикатура, аудио қисм, видеоқатор, график элемент кабилар ахборот узатишда вербал ифодага ёрдамчи восита вазифасини бажаради. Буларнинг барчаси медиаматннинг асосий хусусияти, уни бошқа ҳар қандай матндан фарқловчи белгидир.

Хуллас, медиаматн оддий матндан фарқли тарзда ахборотни вербал воситалар билан бир қаторда, новербал, визуал – медиавий воситалар иштирокида узатувчи матннинг алоҳида кўринишидир.

Тадқиқотнинг «Медиаматнларнинг типологик таснифи ва жанр хусусиятлари» деб номланган иккинчи фаслида медиаматнлар қўлланиш соҳаси, жанр хусусияти, мавзу доирасига кўра ранг-баранг бўлганлиги учун турли жиҳатдан таснифланган. Жумладан, шаклига кўра медиаматнлар вербал, новербал (масалан, фотосурат, аудиоёзув, видеотасвир) ва креоллашган турларга ажратилади. Бугунги кунда кенг тарқалган медиаматн турларидан бири креоллашган матн (*креолизованный текст*) ҳисобланади. Креоллашган матн ҳақида илк маълумотларни Ю.А.Сорокин ва Е.Ф.Тарасовларнинг илмий тадқиқот ишларида учратиш мумкин.¹³ Д.Худойберганова бундай матн турини ўзбек тилида *уйғун матн* термини билан ифодалашни таклиф этган.¹⁴

Уйғун матнлар жумласига комикслар, карикатуралар, реклама матнларини киритиш мумкин. Замонавий босма оммавий ахборот воситаларида уйғун матнлар тобора кўпайиб бормоқда, реклама, интернет теле- ва кино матнлари табиий равишда уйғун матн ҳисобланади. Тадқиқотимизда газетадаги иллюстратив расмлар, карикатуралар вербал ифодага ёрдамчи восита сифатида баҳоланиб, *уйғун медиаматн* термини билан аталди.

Анъанавий газета матнини ҳам шунчаки ёзма нутқ тури сифатида тавсифлаш мумкин эмас. Негаки визуал таркиби, график шакли, шрифти, рангли безаклари газета матнининг муҳим элементи бўлиб, уни медиаматн даражасига кўтаради.

Бобнинг учинчи фасли «Газета матнларининг лингвистик аспектда тадқиқ этилиши: медиаматнларни функционал-прагматик аспектда ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти» деб номланади. Бунда медиаматнларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўрганиш, газета матнлари орқали муштарийга нутқий таъсир муаммосининг таҳлили асносида медиапрагматика йўналишининг шаклланиши илмий тадқиқотлар таҳлили мисолида ёритиб берилди.

Маълумки, бугунги ўзбек тилшунослигида тил тизимини ўрганишга антропоцентриқ ёндашув тамойили кенг татбиқ этилаётганлиги боис ушбу

¹³ Сорокин Ю.А., Тарасов Е.Ф. Креолизованные тексты и их коммуникативная функция // Оптимизация речевого воздействия. – М., 1990. – С. 180 -181.

¹⁴Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – Б. 39.

фан соҳасининг ўрганиш объекти янада кенгайди. Тил тизимини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш самараси ўлароқ юзага келган прагмалингвистикада асосий эътибор тил birlikларини нутқ эгаларининг коммуникатив мақсади, тил билими ва кўникмаси, контекст, нутқий вазият кабилар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга қаратилди.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари адресати ҳисобланган оммавий аудитория ягона медиамаконга бирлашади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, айнан ушбу медиамаконда адресант ва адресатнинг коммуникатив муносабати ахборий майдонни ҳосил қилади.¹⁵ Ахборий майдоннинг асосий бирлиги эса медиаматн ҳисобланади. Ахборий ва таҳлилий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган медиаматн медиапрагматика соҳасидаги тадқиқотлар учун асосий манба вазифасини ўтайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситалари матнини прагмалингвистик аспектда ўрганишга бўлган эҳтиёж натижасида медиапрагматика масалаларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «Газета медиаматнининг **информацион-прагматик хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, унинг биринчи бандида газета медиаматнида нутқий акт турларининг қўлланиш хусусиятлари очиб берилган.

Газета медиаматнларида кўзда тутилган мақсад, вазифа билан боғлиқ ҳолда мулоқотнинг самарадорлигини таъминловчи локутив, иллокутив ва перлокутив актлар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шу билан биргаликда, нутқий акт турларининг газета медиаматнларида қўлланиш усули ва кўлами бир-биридан фарқ қилади. Газета тезкор хабар тарқатувчи, жамоатчилик ўртасида кучли ижтимоий таъсир кўрсатувчи восита бўлгани боис унинг саҳифаларида хабар акти билан бир қаторда мулоқот жараёнида нутқий таъсир кўрсатиш акти ҳам устуворлик қилади. Шу сабабли муаллифлар омма эътиборини тортиш мақсадида матнда ахборотнинг турли вербал кўринишларини қўллашга ҳаракат қилади. Баъзан муаллиф ўз фикрини тўғридан-тўғри баён этса, кўп ҳолларда ифодани билвосита ахборот кўринишида тақдим этади.

Билвосита нутқий актларда асосий ахборот эмас, унинг устига юкланган кўшимча ахборот яширин ифодаланади. Бунда сўзловчининг кўшимча ахбороти имплицит ифода шаклида баён этилади. Газета матнларида ҳам адресатга нутқий таъсир кўрсатишда билвосита нутқий актлардан фойдаланилади. Жумладан, муаллиф баъзан ўз мулоҳазасини, воқеликка муносабатини сўроқ шаклидаги билвосита нутқий актлар орқали ифодалайди. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз:

Хўп, ҳуқуқий жиҳатдан мутасаддиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғри, ammo инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашсак, шундоқ ҳам кўнгли ўксик, оғир ижтимоий вазиятда қолган эҳтиёжманд оилалар тақдирига бефарқ

¹⁵ Хабиров Р.Р. Коммуникативно-прагматический аспект исследования медиатекста (на материале спортивных текстов Республики Башкортостан): Дисс... канд. филол. наук. – УФА, 2016. – С. 4.

муносабатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Нега депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа тегишли ташиқлотларда доимий яшаи жойига эга бўлмаган кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу низом талабларига ўзгартириш киритиш ташаббуси йўқ? Ахир ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзгармас хусусиятга эга эмас, унга тузатиш киритиш мумкин-ку. Аслида уйма-уй юриб, халқ билан мулоқот қилишдан мақсад ана шундай муаммоларга ечим топиш эмасми?! Ёшлар иттифоқининг асосий вазифаларидан бири мана шундай уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат эмасми?! («Халқ сўзи», 09.04.2019)

«Меҳрибонлик уйдан кейинги саргардонлик» сарлавҳали мақоладан олинган ушбу матнда муаллифнинг *Ёшлар иттифоқининг кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган фаолиятдан норозилиги акс этган. Матнда қўлланган «Нега депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа тегишли ташиқлотларда доимий яшаи жойига эга бўлмаган кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу низом талабларига ўзгартириш киритиш ташаббуси йўқ?»* сўроқ акти орқали *«Депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа тегишли ташиқлотлар кам таъминланган оилалар манфаатини ҳимоя қилиш учун ушбу низом талабларига ўзгартириш киритиш лозим»* тарзидаги талаб акти англашилади. *«Ёшлар иттифоқининг асосий вазифаларидан бири мана шундай уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат эмасми?!»* сўроқ акти орқали эса *«Ёшлар иттифоқи кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаши зарур»* тасдиқ акти ифодаланган. Бир нутқий акт орқали иккинчи нутқий актнинг билвосита ифодаланишида пресуппозиция ҳодисаси муҳим роль ўйнайди. Албатта, фикр-мулоҳаза, воқеликка нисбатан субъектив муносабатнинг сўроқ акти шаклида ифода этилиши матннинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Бобнинг иккинчи фаслида газета матнларининг перформатив хусусияти ёритилган. Газета медиаматни ахборот узатиш, манфаатли мақсадларга эришиш, шунингдек, газетхонга таъсир кўрсатиш мақсадини қамраб олади. Ушбу жиҳатга кўра матбуот матни перформатив характерга эга бўлади. «Перформатив ифодалар мантиқан юз бераётган воқеликнинг талаффуз шакллари дир».¹⁶

Перформативлик муайян контекстда сўз ва ҳаракат мувофиқлигини акс эттирувчи нутқий ҳаракат ҳисобланади. Перформатив назарияга кўра сўзлаш акти орқали бирор ҳаракатнинг содир этилиши шарт ҳисобланади. Перформатив ифоданинг ошкора шаклида ушбу ҳаракатни акс эттиришга қаратилган перформатив феъллар қўлланилади. Масалан, куйидаги газета медиаматнида қўлланган *муборак этмоқ* феъли перформатив хусусиятга эга бўлиб, муаллифнинг мақсадини ошкора ифода этишга хизмат қилган: *Бугун*

¹⁶ Ҳақимов М. Прагмалингвистик тадқиқотлар тарихи. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2020. – Б. 91.

мана шундай дилбар, қутлуг баҳор айёмида сиз, мунис оналаримиз, ҳурматли опа-сингилларимиз, сулув қизларимизни ўзларингиз каби гўзал байрамингиз – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 08.03.2019)

Перформатив феъллар қўлланмаган матнларда ҳам айрим тил бирликларининг семантик хусусияти асосида матн перформатив хусусият касб этиши мумкин. Хусусан, айрим бирликларнинг синонимлари орқали ҳам матнда перформатив ифода ойдинлашади. Т.В.Богданова перформативларнинг синоним эквивалентлари орқали ифодаланишини *иккиламчи перформативлар* сифатида тавсифлайди.¹⁷ Масалан: *Раҳмат! – Ташаккур билдираман* каби. Шунингдек, *Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!* гапи *Рамазон ҳайитингиз билан табриклайман!* гапига синоним бўлгани учун перформатив ифода саналади.

Газета медиаматнлари сўзловчининг ижтимоий мавқеи, «ҳокимлик» даражаси ва талаффуз акти билан ўзаро мувофиқлиги сабаб перформатив хусусиятга эга бўлади. Айтиш лозимки, газетада чоп этилган қарор, фармон, фармойишлар матнида қўлланган *белгилансин, тасдиқлансин, тавсия этилсин, зиммасига юклансин* каби бирликлар сўзловчи прагматик мақсадини ошқора ифодалаш ва прагматик доминацияга эгаллигига кўра перформатив бирликлар ҳисобланади. Бундай перформатив шаклларни ижтимоий белгига эга перформативлар сифатида тавсифлаш мумкин. Негаки улар матнда нутқ субъектининг ижтимоий мавқеига ишора қилиб туради.

Бобнинг учинчи фасли «Босма медиаматнларда коммуникатив стратегия ва тактиканинг танланиши» деб номланади. Газета медиаматнлари орқали муштарийга нутқий таъсир кўрсатишда муаллиф томонидан коммуникатив стратегия ва тактиканинг тўғри танланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан коммуникатив стратегия ва тактикани муштарийга нутқий таъсир кўрсатишнинг муҳим усули сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, ҳар бир адресант шахсий манфаати доирасида мулоқот иштирокчиларига нутқий таъсир кўрсатишни мақсад қилиб белгилайди: муштарийни ўз хулосаларига ишонтиришга, унинг фикрларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Бундай эҳтиёж ва истак-хоҳиш адресант томонидан нутқий таъсир кўрсатишга қаратилган аниқ коммуникатив стратегия ва тактикаларни танлаш заруратини юзага келтиради.

Мулоқот жараёнида нутқий таъсир кўрсатиш, уни амалга оширишда қўлланиладиган коммуникатив тактикалар мажмуи ва турлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тактика коммуникатив стратегияни амалга оширишга йўналтирилган нутқий ҳаракатлар йиғиндисиدير. Одатда, бир стратегик мақсад остида бир нечта нутқий тактика амалга оширилади.

Коммуникатив стратегия ва тактика масаласи нутқий таъсир кўрсатиш назариясининг амалий жиҳатларидан биридир. Кўп ҳолларда *нутқий таъсир*

¹⁷ Богданова Т.В. Иллокутивная функция высказывания и перформативный глагол // Содержательные аспекты предложения и текста. – Калинин, 1983. – С. 5.

кўрсатиш деганда унинг мақсадга мувофиқлиги ва мотивацион шартлилиги нуктаи назаридан кўриб чиқилган нутқий ҳаракат тушунилади. Мулоқотнинг ҳар қандай кўриниши суҳбатдошнинг фаолиятини янада тартибга соладиган мақсадга асосланади. Коммуникатив стратегиялар мулоқот мақсади, адресант ва адресатнинг манфаати ва муносабатларига боғлиқ ҳолда муайян тил воситалари орқали нутқни режалаштиришга асосланади. Демак, коммуникатив стратегия «нутқни режалаштириш» орқали амалга оширилади.

Кўринадик, прагмалингвистикада коммуникатив стратегия ва тактиканинг турларини белгилашда тадқиқотчилар томонидан турфа ёндашувлар учрайди. Бизнингча, нутқни режалаштириш, мулоқот стратегиясини ва тактикасини танлаш ҳар бир муаллифнинг индивидуал услуги, маҳорати, лисоний қобилиятига боғлиқ. Тадқиқотнинг мазкур фаслида коммуникатив стратегия ва тактика масаласи ижтимоий-сиёсий нашрлар, хусусан, республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар газеталари мисолида ўрганилди ва маълум гуруҳларга ажратилди. Жумладан, тадқиқотда «Ўзини намоён қилиш», «Обрўсизлантириш (дискредитация)», «Тарғибот», «Қаҳрамонлаштириш» каби стратегияларга таъриф берилди ва мисоллар билан далилланди. Ўзини ҳимоя қилиш, адресатга нутқий ҳужум, манипулятив, тарғибот ва адресатни ишонтириш стратегияларининг қўлланиш доиралари аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби «Газета медиаматнида коннотация ва субъектив баҳонинг ифодаланиши» деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида газета медиаматнида коннотациянинг ифодаланиши таҳлилга тортилган. Газета медиаматнида муаллиф коннотатив бирликларни қўллаш орқали ўқувчи руҳиятига таъсир кўрсатиш, унда ҳиссий субъектив муносабатларни ҳосил қилиш мақсадини кўзлайди. Бу жиҳатдан коннотатив бирликлар матннинг экспрессив-эмоционаллигини таъминловчи прагматик компонентлари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам прагматика нуктаи назаридан коннотация тил бирликлари орқали ифодаланувчи маънонинг эмоционал-баҳоловчи таркибий қисмидир.

Газета медиаматнларида муайян тил бирликлари орқали коннотатив маънонинг ҳосил қилинишида медиаматннинг қайси жанрга оид эканлиги ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, бадий-публицистик жанрда яратилган газета медиаматнларида коннотатив маънонинг ифодаланишида ўзига хосликни кузатиш мумкин. Масалан, фельетон жанрида ёзилган куйидаги медиаматнга эътибор қаратсак:

«Жамоат жойларида ниқоб тақиб юринг»!. Тақиб юрибмиз, опагон. Соғлиқ ўзимизга ҳам керак. Жа-а аломат нарса экан бу ниқоб қурғур. Менга ўхшаганларга тождор вирусдан ҳимоя қилишдан ташқари ҳам анча фойдаси тегяпти. Масалан, иягимиздаги тўртта соқолу иримизга сепилган кузги арпадай ҳар жой ҳар жойда битган бежирим мўйловимиз ўсиб кетса ҳам, шартта ниқобни тақиб кўчага чиқаверамиз. Ундан ташқари, Улуғ Кулол эринибгина ишлов берган, беўхшов бурнимизга-да ҳеч кимнинг кўзи тегмайди.

Яхшининг ёмони, оқнинг қораси бўлгандай, ниқоб тақшининг ҳам лекини бор. Шаҳарнинг оппоқ юзли нозанинларининг гўзал табассуми, бебаҳо кулгучлари, қарасанг аксинг кўрингудек ярқироқ тишларига маҳлиё бўлишдан ҳам бенасиб қолдик. Қарайсан, бақрайган кўзларнигина кўрасан... Гапни бўлмай туринг! Шахло эмас, бақрайган! Тамом вассалом! Нега дейсизми? Ёнингизда дўстларингиз бўлмаса, сиз ҳам аслингизни йўқотасиз. Ниқоб бир томондан э-эжоднинг ҳам баракасини учиряпти. Ахир манаман деган асарлар ҳам гўзаллик таъсирида дунёга келади-да. («Маърифат», 16.06.2020)

Мақоладан англаш мумкинки, ниқоб тақиш билан боғлиқ ҳолат кулгу остига олинган. Матнда қўлланган «*Жа-а аломат нарса экан бу ниқоб қурғур*» жумласида сўзлашув нутқига хос *жа-а* бирлиги орқали коннотатив маънони ифодалашда унлини чўзиш, қаватлаш (аллитерация) ва алмаштириш усулидан фойдаланилган. *Қурғур* лексемасини ниқобга нисбатан қўллаш орқали енгил кулгу ҳосил қилиниб, таъсирчанликка эришилган.

Матнда қўлланган ўхшатишлар, масалан, мўйловнинг «*кузги арпа*»га ўхшатилиши орқали ўзига хос образлилик ҳосил қилиниб, таъсирчанликка эришилган. «*Қарайсан, бақрайган кўзларнигина кўрасан... Гапни бўлмай туринг! Шахло эмас, бақрайган!*» жумлалари таркибида қўлланган *бақраймоқ* феъл лексемаси орқали салбий баҳо муносабати ифодаланган.

Шунингдек, *тўртта соқол, ирмига сепилган кузги арпадай ҳар жой ҳар жойда битган бежирим мўйловимиз, эринибгина ишлов берган, беўхшов бурнимиз; оппоқ юзли нозанинлар, нозанинларнинг гўзал табассуми, бебаҳо кулгучлари, қарасанг аксинг кўрингудек ярқироқ тишлар* тарзидаги баҳо муносабатини ифодаловчи ўзига хос сифатлашлар ҳам матннинг экспрессив-эмоционалликни таъминлашга хизмат қилган.

Бадий-публицистик жанрдаги медиаматнларда коннотациянинг ифодаланишида яна бир жиҳат шуки, муаллиф фикрнинг янада таъсирчан ифодаланишига эришиш мақсадида айрим сўзларни бошқачароқ талаффуз қилади. Масалан, юқоридаги матнда «*Ниқоб бир томондан э-эжоднинг ҳам баракасини учиряпти*» жумласида муаллиф «*ижод*» сўзини «*э-эжод*» тарзида бериш орқали эмоционалликни таъминлашга эришган.

Бобнинг иккинчи фасли «Газета матнларида субъектив баҳонинг ифодаланиши» деб номланган. Газета медиаматнларида муаллифнинг баҳоси оммага ахборот бериш, унга нутқий таъсир кўрсатиш вазифаси фониди юзага чиқади. Ахборот бериш вазифасидаги медиаматнларда фактлар баёни етакчилик қилади, шу сабабли бундай матнларда муаллиф «мен»и деярли иштирок этмайди. Субъектив муносабат таҳлилий ва бадий-публицистик жанрдаги медиаматнларда кўп кузатилади ва уларда муаллифнинг субъектив баҳоси кўпинча газетхон қарашлари билан ҳамоҳанг бўлади.

Таҳлилий-танқидий, бадий-публицистик жанрларда ёзилган газета медиаматнларида муаллифнинг ўз фикри, субъектив муносабати ҳар доим аниқ акс этади. Муаллифнинг субъектив муносабати ифодасида омма

қарашларини ўзгартириш, уни йўналтириш, бошқаришга бўлган ҳаракат сезилиб туради.

Газета медиаматнларида ифодаланган тасдиқлаш, ҳайратланиш, завқланиш, ғазабланиш, норозилик каби ҳиссий муносабатлар муаллифнинг баҳо муносабатидан дарак беради. Муаллиф воқеликни тасвирлашда юзага келган ҳиссий кечинмаларини ифода этиш орқали воқеликка шахсий муносабатини ҳам билдиради. Натижада ифода этилаётган ахборотда субъектив муносабат шаклланади.

Газета медиаматнларида муаллифнинг баён қилинган воқеликка хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий бўлсин, муносабати, албатта, акс этади. Муаллиф воқеликка дунёқараши, манфаатлари, истак-хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдиради. Аммо уни ифодалаш усули муаллифнинг индивидуал услубига, маҳоратига боғлиқ.

Газета медиаматнларида муаллиф салбий баҳо муносабатини ифодалашда ўзига хос тактикани қўллайди. Матбуотда касбий этика талабларига қатъий риоя этилгани боис, муаллиф индивидуал услуби, шахсий позициясига асосланиб, ўз баҳо муносабатини яширин, яъни билвосита ифодалашга ҳаракат қилади.

Маълумки, билвосита баҳолаш орқали нутқнинг таъсирчанлиги, образлигига эришишда муайян прагматик мақсад кўзда тутилади. Бу мақсад тингловчига матнда акс этган ахборотни нафақат таъсирчан ва образли тарзда етказиш, балки унга шу йўл орқали нутқий таъсир кўрсатишни ҳам камраб олади. Салбий субъектив баҳони ифодалашда муаллиф ўз муносабатини камситиш, пичинг, киноя орқали ҳам намоён қилиши мумкин. Кузатишларимиз матбуотда муаллиф қарашларининг ошқора ва танқидий руҳда берилиши, унинг шахсий ёндашуви, позицияси, фикр ифодалашдаги эркинлиги газета медиаматнларида сўз эркинлигининг юксалганини кўрсатди. Масалан, «XXI аср» газетасининг 2019 йил 17 январдаги сониди муаллиф Маҳмуд Саъдийнинг Халқ таълими вазирини Ш.Шерматовга бағишлаб ёзган «Вазир матбуот эркинлигини қандай тушунади?» номли мақоласида унинг салбий муносабати билвосита, яъни киноя (ирония) орқали ифодаланган:

